

(1589-1650)

(1611-1642)

Ўзбек давлатчилиги тизимидаги аштархонийлар сулоласини бошқарган Бухоро хонлиги хукмдори. Валимухаммадхон Эрондан олиб келган кўшинга қарши Бухоро халкининг курашига раҳбарлик қилиб козоклар ёрдамида эронликларни тор-мор келтирган. Сўнгра 1611-йил Сирдарёнинг қуйи оқимидаги ҳудудларга юриш қилиб исёнкор, козок, калмок, қорақалпоқларни бўйсунтирган. Имомкулихон 1613-йил Тошкентни эгаллаб ўгли Искандарни ҳоким этиб тайинлаган. Аммо, шаҳар аҳолиси унинг ножўя ҳатти ҳаракатларидан норози бўлиб исён қўтариб Искандарни ўлдирган. Бундан газабланган Имомкулихон Бухоро, Балх ва Бадахшон вилоятларидан кўшин йигиб қелиб, Тошкент аҳолисини қиргин қилган (Тошкент қиргини). Бухоро хонлигида ички низолар жуда қучли бўлган. Тошкент, Балх, Самарқанд вилоятлари очикдан-очик марказий ҳокимиятга қарш сиёсат юргизишарди. Имомкулихон бу курашларга барҳам берган. У дарвешларни қўллаб қувватлаган, атрофига олимлар ва шоирларни тўплаган, ўзи ҳам шеърлар ёзган. Ўша замон манбаларининг бирида шундай ёзилган „ Имомкулихон ночорлар ишини енгиллаштирди, арз билан келганларни қайтармади, унинг замонида на қамбағал ва на бечора қолмаганди. Чиқарган буйруқлари ижроси борасида амалдорларига қаттиқ турди, қоронғу тушиши билан оддий қийим қийиб, вазири ва қўрчи билан бозорлару-маҳаллаларни айланиб оддий халқнинг ҳақиқий турмуш аҳолидан бохабар бўлиб турарди. Буни халқ билгани учун ҳам Имомкулихон ҳукмронлиги йиллари мамлакатда бирон марта ҳам исён қўтарилмаган”. Қўчманчилар билан олиб қорилган муваффақиятли жанглар натижасида у 30 йилдан ортиқ ҳукмронлик қилган.

Бу даврда мамлакатда марказий давлат ҳокимияти қучайган. Ҳиндистон, Эрон ва Россия билан элчилик муносабатларини ўрнатган. Россиянинг жосус элчиси И.Д.Хохлов 1620-22-йилларда Бухорода бўлган. Имомкулихон қўр бўлиб қолгач, 1642-йилда тахтни уқаси Надрмухаммадга топширган. Ўзи ҳажга кетиб умрининг охиригача ўша ерда бўлган. У Мадина шаҳрида қорбоғ, Маккадаги Қаббага қиравериш дарвозаларидан бири остонаси учун олтин ва қумуш тутқичли ёғоч зина қурдирган. Бухорода Имомкулихон ҳукмронлигининг оқибати шу бўлдики, унинг даврида хон ҳокимияти нисбатан мустаҳкамланди. Нуфузли амирлар ва зодагонлар ҳам хон ҳокимиятига нисбатан душманлик муносабатларини тўхтатиб туришга мажбур бўлдилар. Бирок, шунга қарамай, Имомкулихон мамлакатдаги сиёсий тарқоқликнинг олдини ололмади.